

Byudjet Tashkilotlarida Moliyaviy Nazorat Va Audit Tizimini Jahon Tajribasi Asosida Tashkil Etish

*Ramazonov Akmal Samadovich*¹

Annotatsiya: Mazkur maqolada byudjet tashkilotlarida moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatini xalqaro tajriba asosida takomillashtirish yo'llari tadqiq qilingan.

Byudjet tashkilotlarida moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatini takomillashtirishning quyidagi jihatlari yoritib berilgan: Byudjet tashkilotlarida moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatini takomillashtirishga doir ilmiy-nazariy qarashlar, byudjet tashkilotlarida moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatini takomillashtirishning o'ziga xos xususiyatlari, byudjet tashkilotlarida moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatini takomillashtirishga ta'sir qiluvchi omillar, byudjet tashkilotlarida moliyaviy nazorat va ichki auditni takomillashtirish bo'yicha xorijiy davlatlar tajribalari, O'zbekistonda byudjet tashkilotlarida moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatining me'yoriy-huquqiy asoslari, moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatini takomillashtirishning amaliy holati, moliyaviy nazorat va ichki audit xizmatini takomillashtirish istiqbollari yuzasidan ilmiy amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: Byudjet tashkiloti, moliyaviy nazorat, ichki audit xizmati, budjet hisobi, ichki auditor.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги мавжуд барча салоҳиятни комплекс ва тезкор юзага чиқаришдир. Агар илгари ушбу мақсад фақат молиявий барқарорлик сифатида тушунилган бўлса, эндиликда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тизимини халқаро иқтисодиётда етакчи ўринларни эгаллаган давлатлар даражасида ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қабул қилинган «Ўзбекистон -2030»² стратегиясининг асосий ғояларидан бири “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш”дир.

Бу борада эришилаётган қатор ижобий ўзгаришлар билан биргаликда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг самарали ва режали сарфланиши назоратини таъминлаш юзасидан ички аудит хизматини ташкил этиш орқали мақсадсиз харажатларни қисқартиришга имкон яратилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет ташкилотларида ички аудитнинг роли ортиб бормоқда, чунки нафақат харажатларни олинган даромадлар билан таққослаш, балки молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва харажатларни қатъий назорат қилиш зарур. Хорижий мамлакатларда ички аудит хизмати фаолияти бўйича муайян қонунлар-қоидалар ташкил этилган, мамлакатимизда ҳам бу соҳадаги ислохотлар аллақачон бошлаб юборилган.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларида ички аудитни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сонли «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ҳам ўз аксини топган. Ушбу қарорга биноан,

¹ O'zbekiston Respublikasi Bank-Moliya Akademiyasi dotsenti

² 2023 йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони



мамлакатимизда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бюджет жараёнида шаффофликни таъминлаш мақсадида назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, бюджет ташкилотларида бюджет интизомига қатъий риоя қилинишини таъминлаш ва улар бўйсунадиган вазирлик ва идораларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликларида ва Пенсия жамғармаси тузилмасида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди. Янги бўлинмалар бюджет маблағларини ноқонуний сарфланиши, талон-тароҳ қилиниши каби ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш билан шуғулланади. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятида рискларни баҳолаш ва минималлаштириш, ташкилотнинг иш самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, миллий ички аудит стандартлари асосида назоратни ташкил этиш масалалари амалиётга жорий этилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Давлат молиявий назоратида ички аудитнинг роли, аҳамияти ва уни амалга ошириш йўналишлари хусусида сўз юритишдан олдин, ушбу тушунчанинг мазмун моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Соҳага оид кўплаб адабиётлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ички аудит тушунчасига таърифлар ва изоҳлар берилган. Бу борада халқаро ва миллий даражадаги иқтисодчи олимлар ва соҳанинг амалиётчи мутахассислари (аудиторлар, бухгалтерлар, таҳлилчилар) томонидан кўплаб таърифлар ҳамда турли ёндошувлар берилган.

Биз асосан Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ёритишда Хорижий ва маҳаллий олимларимизнинг қарашларини, ички аудитга берилган тарифларни, уларнинг бу йўналишдаги фикр-мулоҳазаларини ҳамда ишланмаларини ўргандик.

«In-audit» ташкилотининг аудитори Б.Б.Бурсев (2017) нинг фикрича “Ички аудит — бу ташкилот фаолиятини ҳар хил нуқтаи назардан ва ташкилотнинг бошқариш бўлими фаолиятини ички ҳужжатларини тартибга солишни назорат қилади, ташкилот бошқарувини амалга оширишда махсус назорат органи вакилларига чегараланган ёрдам кўрсатади”.

Padam S. Ghising³ “Бюджет ва бошқа ташкилотларда ички аудит деганда хўжалик юритувчи субъект томонидан ташкил этилиб, унинг менежменти ва мулкдорлари манфаатларидан келиб чиқиб, ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган, белгиланган бухгалтерия тартибига риоя этилиши ва ишончлилиги устидан назорат тизими тушунилишини қайд этиб ўтган. Шунинг учун ички аудит ташкилотни бошқаришда учинчи мудофаа йўналиши сифатида қараладиган муҳим функция ва ташкилотдаги хатарларни бошқариш ва назорат қилиш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш учун қимматли восита ҳисобланади. Бу ташкилотга ўз мақсадларини амалга оширишда, мустақил равишда объектив ишонч ва ташкилотнинг фаолиятини яхшилаш ва қийматини ошириш учун мўлжалланган консалтинг хизматларини тақдим этиш орқали ёрдам беради. Ички аудит томонидан иш жараёнларини доимий равишда кузатиб бориш ва кўриб чиқиш жараёнларни такомиллаштириш бўйича назорат тавсиялари орқали ушбу жараёнларнинг самарадорлигини оширади” деган фикрни илгари суради.

Бу жараёндан олдин биринчи ва иккинчи мудофаа сифатида ички назорат ҳамда молиявий назорат назарда тутилган. Ички аудит эса учинчи мудофаа сифатида ҳам тўлдирувчи ҳам яқунловчи сифатида қаралади.

Россиялик иқтисодчи олимлар А.В.Вершинина ва Е.Р.Орловаларнинг фикрича “Ички аудит — ташкилот фаолиятини мустақил ва объектив фаолияти бўлиб, бошқарув тизимининг

³ Padam S Ghising Проблемы и задачи внутреннего аудита в государственном секторе. 25.07.2020



самарадорлиги, бошқарув амалиёти ва ички назорат тизимларидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва баҳолаш мақсадида амалга оширилади”⁴.

Ички аудит, бошқарув тизимининг заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради ва назорат жараёнларини яхшилашни тавсия қилади. Йирик ташкилотларда бошқарув тузилмаси кенг масштабли бўлганлиги сабабли, менежмент ҳар куни барча қисмларни назорат қила олмайди, бу эса ички аудитга бўлган талабни оширади. Ташкилотдаги ички назорат тизимининг самарадорлигини ўрганиш ва баҳолаш, мумкин бўлган заифликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар беришга қаратилган фаолиятдир.

Яна бир Россиялик иқтисодчи олим Л.В.Сикорская⁵ “Давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига ташқи ва ички турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири бу иқтисодий фаолиятга таҳдидларга қарши туриш ва юзага келадиган хавфларнинг олдини олиш, зарарсизлантириш ва бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш қобилияти билан тавсифланган давлат молиясини бошқариш тизимининг барқарорлиги. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш самарали бошқарув механизмини ташкил этиш билан узвий боғлиқдир, унинг маълумотлари бошқарув қарорларининг самарадорлиги ва асослилигини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади” деган фикрни илгари суради.

Н.А.Казакованинг эътироф этишича⁶, давлат секторида аудитнинг асосий вазифалари бюджет маблағларини тақсимланишининг объективлигини ўрганиш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлигини текшириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва тўғри фойдаланишни аудиторлик текширувидан ўтказиш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш, тегишли органларга текшириш натижаси бўйича ахборот ва ҳисоботлар тайёрлаб беришдан иборат.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Тўраев ўз илмий изланишларида “ички аудит хизмати натижаларидан ташқи аудиторларнинг фойдаланиши аудиторлик текшируви учун сарфланадиган вақт сарфини камайтириш орқали аудиторлик ташкилотида меҳнат ресурсларига бўлган харажатларни қисқартириш, шунингдек, аудиторлик далилларининг етарлилиги тамойили асосида кўшимча далиллар олиш имконини беради” деб таъкидлаган⁷.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Остонокуловга кўра, бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг юритилишини таъминлаш, бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон-тарож қилиниши ҳолатларининг профилактикасини таъминлаш, шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш, асоссиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қуймаслик, бюджет интизомини мустақамлашга хизмат қилади⁸.

Шу ўринда такидлаб ўтиш керакки, давлат ташкилотларининг ички аудит хизмати фақат назоратни эмас балки, турдош хизматлар кўрсатиш вазифасига ҳам эга. Бугунги кунда мамлакатимизда халқаро стандартларга ўтиш жараёни кетаётганини ҳисобга олсак, халқаро тажриба асосида молиявий ҳисоботларни назорат қилиш, молиявий ҳисоботларни компиляциялаш, бу борада консалтинг хизматларини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ички аудиторлар институти (The institute of internal auditors) томонидан берилган таърифга кўра, – Ички аудит бу ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган мустақил ва холис

⁴ А. В. Вершинина, Е. Р. Орлова Стратегия цифровизации и реальная Российская экономика ЭНЦР № 4 (95) 2021

⁵ Л. В. Сикорская Пути повышения эффективности осуществления внутреннего финансового аудита Экономическая безопасность Том 4 • Номер 4 • Октябрь-декабрь 2021 ISSN 2658-7548

⁶ Казакова, Н. А. Аудит : учебник для среднего профессионального образования / Н. А. Казакова, Е. И. Ефремова ; под общей редакцией Н. А. Казаковой. Москва-2024

⁷ Тўраев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент-2020

⁸ Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. – Т.:ТМИ, 2021. –72 б.



кафолатлар ва маслаҳатлар бериш фаолиятидир. Ички аудит ташкилотга ўз мақсадларини рискларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш ва яхшилашга тизимли ва изчил ёндашиш орқали амалга оширишда кўмаклашади. Ушбу таърифда ички аудитнинг мақсади ва функциялари ўз ифодасини топган бўлиб, улар умумий тарзда ифодаланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат секторида ички аудитни қуйидагича таърифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларида ички аудит деганда, ички аудитор томонидан ташкилотда сметаларни тузиш ҳамда ижросини таъминлаш жараёнида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланиши, молиявий жараёнларнинг қонунийлиги ва молиявий назорат тизимига ҳолисона баҳо берувчи, ташкилот харажатларининг асосли режалаштирилиши ва сарфланиши, бошқарув қарорларининг ва ички назорат тизимининг самарадорлигини таъминлаш юзасидан мунтазам равишда кузатиб бориш, баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича профессионал тавсиялар ҳамда маслаҳатлар беришга ихтисослашган мустақил ва объектив тизим тушунилади.

Ушбу таърифларнинг барчасида ягона бир мақсад мужассамлашганини кўриш мумкин, яъни Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати бу ташкилотнинг фаолиятидаги номутаносибликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш борасида керакли маслаҳат, тавсияларни бериб бориш ва доимий мониторинг ўтказиш фаолиятидан иборатдир.

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати – ташкилотнинг фаолиятини меъёрий ҳужжатлар асосида ички ҳужжатларни тўлиқлиги, қонунга мувофиқлиги, тузилган ҳисоботларнинг ишончилигини назорат қилувчи, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг самарали ишлатилишини баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берувчи ҳамда бюджет жараёнини шаффофлигини янада оширишни таъминловчи фаолиятдир.

Мамлакатимизда давлат маблағларини мақсадли бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш борасида молиявий назоратни янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда бюджет интизомига риоя этилишида масъул шахсларнинг масъулиятини ошириш, электрон дастурлардан фойдаланган ҳолда бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш шулар жумласидандир.

Тадқиқот методологияси

Олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий ишнинг назарий-методологик асосларини ёритишга бағишланган тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, таққослаш каби усулларида кенг фойдаланилган. Мақолада бюджет ташкилотларида ички назорат ва ички аудитни ташкил қилишнинг назарий-методологик жиҳатларини такомиллаштириш йўллари баён қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси⁹ нинг 4-мақсади “Давлат бошқаруви органлари фаолиятини фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” деб номланиб, унда давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан: давлат молиявий назорати органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, бюджет ташкилотларидаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланишини таъминлашга қаратилган ахборот тизимларини такомиллаштириш, ички аудит хизмати ходимларини малакасини ошириш ва сертификатлаш тизимини яратиш масалалари долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

⁹ 28.01.2022 йилдаги “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони




Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати фаолияти бюджет интизомини мустаҳкамлашга қаратилган мустақил фаолият бўлиб, уларнинг фаолияти йиллар мобайнида такомиллаштирилиб келинмоқда.

Шунингдек, ушбу фармонга асосан барча давлат молиявий назорати тадбирлари, шу жумладан ички аудит хизматларининг аудит тадбирлари натижаларига доир барча турдаги ҳужжатлар (давлат сири ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) “Давлат аудити” дастурида жамланиши белгиланди.

Ички аудит хизматларига бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон- торож қилиниши ҳолатларининг қуйидаги йўллар билан профилактикасини таъминлаш ва уларнинг олдини олиш вазифалари юклатилган бўлиб, улар қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- бўйсунувидаги муассасаларда харажатлар сметасини режалаштириш ва унинг ижроси, бюджет ҳисобининг юритилиши, тендер (танлов) савдоларининг ўтказилиши ва шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш;
- бўйсунувидаги муассасалар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари раҳбарларига бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш, асоссиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш, шу жумладан товарлар, иш ва хизматларни харид қилиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;



1-расм. Ички аудит хизматларининг профилактика йўналишлари¹⁰

- қонунни бузиш ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида қуйи муассасаларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

Давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан давлат молиявий назорати тизимини

¹⁰ Муаллиф томонидан шакллантирилди.



такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹¹ги фармонида Ҳисоб палатаси ва ички аудит хизматларига бир қатор вазифалар юклатилди, жумладан:

- ҳар бир назорат тадбирини ташкилий, асосий ва якуний босқичларни ўз ичига олувчи уч босқичли тизим асосида ҳамда аудит тадбирининг турларини аниқ белгилаган ҳолда амалга ошириш;
- аудит тадбирлари натижалари тўғрисидаги хулосада, шу жумладан қонунбузарликларга имконият яратувчи шарт-шароит ва омилларни, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ва тизимли муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифларни акс эттириш;
- ҳар чоракда камида бир маротаба оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўз фаолиятига оид ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш;
- Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ва ҳар бир ички аудит хизмати томонидан ҳар чоракда фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали аниқланган камида 2 тадан объектда назорат тадбирини ўтказишни назарда тутаётган фуқаролар иштирокидаги аудит тизимини жорий этиш;
- фуқаролар иштирокидаги аудит ўтказиладиган объектни аниқлаш ва давлат молиявий назорати органлари фаолияти самарадорлигини жамоатчилик томонидан баҳолаб бориш.

Иқтисодиётнинг ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда фақат хусусий сектор эмас, балки бюджет ташкилотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакат иқтисодиётини муҳим қисмини ташкил этадиган бюджет маблағларининг оқилона ва режали сарфланиши юзасидан бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил қилиш номувофиқликларни ва мақсадсиз харажатларни қисқартиришига ёрдам беради.

Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувларини ўтказиш услубиётини ва ички аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички аудит хизмати фаолиятида ички аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш хусусиятлари, белгиланган талабларга риоя қилиш ҳамда республикамизда амалиётга жорий этишнинг афзалликлари ўрганилган. Иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси ва соҳадаги илмий ютуқларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, бюджет ташкилотларида ички аудит фаолиятини мувофиқлаштирувчи меъёрий ҳужжатларни халқаро талабларга уйғунлаштириш, ички аудит институтининг фаолият самарадорлигини ошириш, самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва инвесторларни жалб этишда ички аудит хизматининг бизнес рискларини пасайтиришга қаратилган мавқеини ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ички аудитнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, ички аудит хизматини ташкил этиш механизмларини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда ички аудит самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида¹² «халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий принципларини жорий этиш» муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ички аудит фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш, халқаро стандартлар асосида ички аудитни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.08.2021 йилдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300 сонли фармони

¹² “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 06.07.2022 йил



Жаҳон амалиётида ички аудит хизмати фаолиятини мувофиқлаштирувчи Ички аудиторлар Институту (The Institute of Internal Auditors, ПИА) томонидан амалга оширилади ҳамда ушбу халқаро ташкилот “170 дан ортиқ давлатларнинг 185 мингдан ортиқ аъзоларини ўз ичига бирлаштиради”. Иқтисодийнинг чуқур интеграциялашуви ва глобаллашуви халқаро амалиётда ички аудитнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни талаб этмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички аудитнинг корпоратив бошқарувдаги ролининг ортиб бориши натижасида алоҳида тузилма сифатида шаклланиши жаҳон амалиётида ички аудит бизнесни ҳимоя қилиш, рискларни минималлаштириш ва комплаенс назоратни амалга оширишнинг муҳим воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Ички аудиторларни иш сифатини оширишда ички аудиторларини малакасини ошириш ва сертификатлаштиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. “Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби тўғрисида”ги Низом¹³ ички аудиторни сертификатлаштириш тизимини тартибга солади.

Унга асосан ички аудиторларнинг қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Ички аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқлари:

- ташкилотлар, шунингдек, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари раҳбарларидан ички аудит объектлари рўйхатини шакллантириш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳужжатлар (олдинги ўтказилган текшириш ёки ўрганиш материаллари), маълумотлар, шу жумладан электрон шаклда, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар сўраш ва олиш;
- ички аудит объектларининг электрон маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларидан ўзгартириш киритиш ҳуқуқисиз фойдаланиш;
- ўз ваколати доирасида ички аудит объектининг мансабдор ва масъул шахсларидан ички аудит текширувини ўтказишда юзага келаётган саволлар бўйича тушунтириш олиш ҳамда текширув натижалари бўйича ҳужжатларни имзоланиш сўраш ва олиш;
- вазирлик ва идоралар раҳбарлари рўхсати билан давлат молиявий назорат органлари билан маълумот алмашиш;
- ички аудит текширувини амалга оширишда махсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини эксперт сифатида жалб этиш;
- ташкилотларда харажатларини режалаштириш, маблағлардан самарали фойдаланиш, бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни тегишли вазирлик ва идораларга тақдим қилиш.

Ички аудит хизмати ходимларининг мажбуриятлари:

- ички аудит текширувини қонун ҳужжатларига ҳамда талабларига мос равишда ўтказиш;
- доимий ўз малакасини ошириб бориш;
- ваколатли органнинг тавсиялари бажарилишини тизимли равишда мониторингини амалга ошириш;
- ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни сифатли бажариш;
- ички аудит текшируви натижаларига доир ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, ҳолислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;
- давлат сирларининг ҳамда ички аудит объектларининг қонун билан муҳофазаланадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарори 05.05.2021 йил



- ички аудиторлик текширувлари натижасида назорат объекти мансабдор шахсларининг ҳаракатларида жиноят белгилари аниқланган тақдирда вазирлик ва идора раҳбарини хабардор қилиш;
- ички аудит текширувини ўтказиш вақтида сўралган ҳужжат ва материалларни ички аудит объекти мансабдор шахслари томонидан тақдим этмаслик ҳолатлари бўйича маълумотномалар тузиш;
- ички аудит объекти мансабдор ва масъул шахсларининг тушунтиришлар бериш ва ички аудит натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолашдан бош тортганликлари тўғрисида маълумотномани тузиш;
- ички аудит текшируви билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга асосланган ҳолда ўтказилган мониторинг, таҳлил ва ички аудит текшируви натижаларини расмийлаштириш;
- тақдим этилган ёки хизмат вазифаларини бажариш вақтида уларга маълум бўлган ахборотларнинг махфийлигига риоя қилиш;
- олинган ҳужжатларнинг бут сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;
- аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомадини ундириш, ички аудит объекти айбдор шахсларини жавобгарликка тортиш юзасидан ички аудит объекти раҳбариятига тегишли тавсиялар киритиш.

Ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш учун авволombор “ички аудитор сертификати”га эга бўлиш лозим.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, давлат молиявий назорати механизмларининг самарали фаолият кўрсатиши бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ички аудит функциясининг нечоғлик даражада амалга оширилаётганлигига бевосита боғлиқдир. Зеро, ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия каби давлатлар аллақачон давлат секторида ички аудитни самарали йўлга қўйишган.

Ички аудитни қўлланиш соҳаси ва амалга оширадиган функцияларига кўра таснифлаш мумкин. Халқаро тажрибага кўра қўлланиш соҳаси бўйича ички аудит иккига бўлинади: давлат секторида ички аудит ва хусусий секторда ички аудит.

Бюджет ташкилотларида ички аудит тизимини жорий қилиш бўйича хориж тажрибасига тўхталадиган бўлсак, унинг асосий жиҳатлари қуйида баён этилади (1-жадвал).

1-жадвал Ички аудит бўйича айрим ривожланган давлатлар тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари¹⁴

№	Кўрсаткичлар	АҚШ	Буюк Британия	Япония
1.	Меъёрий ҳужжат	Давлат сектори аудитининг умум қабул қилинган стандартлари (General accepted government auditing standards)	Давлат сектори ички аудит стандартлари (Public sector internal audit standards)	Ички аудиторлар институтининг Ички аудит профессионал амалиёти халқаро стандартлари (The IIA's International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing)
2.	Назорат қилувчи ташкилот	Давлат аудит бошқармаси (Government auditing office)	Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши (Internal	Молиявий хизматлар агентлиги (Financial service agency)

¹⁴ муаллиф ишланмаси.



			Audit Standards Advisory Board)	
3.	Амал қилувчи сертификат	Сертификатли ички аудитор (Certified internal auditor), Давлат сектори ички аудит стандартлари дипломи (DipIPSIAS)	Сертификатли ички аудитор (Certified internal auditor)	Сертификатли жамоат бухгалтери (Certified Public Accountant)

Ички аудитнинг ватани ҳисобланган АҚШда Ички аудиторлар институти ташкил этилган бўлиб, у ўзида дунёнинг 170 дан ортиқ мамлакат ҳудудларидан 190 000 нафардан ортиқ аъзоларни бирлаштиради. АҚШда ички аудитни тартибга солишда қуйидаги икки муҳим ҳужжатдан фойдаланилади:

- Ички аудиторлар институтининг Ички аудит профессионал амалиёти халқаро стандартлари (The IIA's International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing);
- Давлат сектори аудитининг умум қабул қилинган стандартлари (General accepted government auditing standards).

Буюк Британияда бюджет ташкилотларида ички аудит Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши томонидан ишлаб чиқилади. Мазкур стандартларни ишлаб чиқишнинг алоҳида хусусияти шундаки, уларни ишлаб чиқишда Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар (Relevant internal audit standard setters) томонидан белгиланган талаблар асос сифатида олинади. Ички аудит стандартларини ўрнатувчилар таркибига Давлат молияси ва бухгалтерия ҳисоби жамоат институти (CIPFA), ҲМ Ғазначилиги (HM Treasury), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги киради. Ушбу ташкилотлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бюджет ташкилотлари ички аудит стандартларини талабларини белгилаб беришади.

Японияда ички аудитни ташкил этиш, сертификациялаш ва назорат қилиш Молиявий хизматлар агентлигининг мустақил органи ҳисобланган Сертификатли жамоат бухгалтерлари ва аудиторлик фаолияти назорати кенгаши (Certified Public Accountants and Auditing Oversight Board) томонидан амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати тизими давлат молиявий назоратининг янгича йўналишларидан бири бўлиб, уни ташкил этиш бўйича турли хил ёндашувлар бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Шу боисдан, ушбу тизимни жорий қилишда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни берамиз:

- халқаро тажрибага кўра ички аудит тизими қайси йўналишда (хусусий ёки давлат) бўлишидан қатъий назар сертификацияланиши лозим. Шунинг учун, республикамизда ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларининг малака талабларидан келиб чиққан ҳолда ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходими сертификати (ИАМНХХС)ни жорий қилиш;
- бюджет ташкилотлари учун Ички аудит ва молиявий назорат миллий стандартлари (ИАМНМС)ни ишлаб чиқиш. Бунда Буюк Британия тажрибасидан фойдаланган ҳолда ИАМНМСни ўрнатувчилар, яъни
- мамлакатимизда ички аудит ва молиявий назорат тизими жорий этилаётган манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат гуруҳ тузиш зарур. Ушбу гуруҳ талаблари асосида нафақат ИАМНМСни ишлаб чиқиш, балки ИАМНХХСга даъвогарларнинг малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини ҳам яратиш;



- сертификатли ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларининг малака ошириш курсларини мунтазам ташкил этиш. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аудит тизимидаги сертификациялаш жараёни икки босқичда, яъни сертификатни олгунгача ўқув дастури ва сертификатга эга бўлгандан сўнг малака ошириш бўйича ўқув дастури шаклида амалга оширилади. Малака оширишнинг шакллари белгилашда масофавий ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш;
- ички аудит ва молиявий назорат хизматини ташкил этишда аудитнинг умум эътироф этилган тамойилларидан бири ҳисобланган мустақиллик- ка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларининг мустақиллигини таъминламас эканмиз, уларнинг фаолияти натижасида юқори самарага эриша олмаймиз. Бунинг учун ва- зирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмаларидаги ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларини фақатгина тегишли вазирлик тасарруфидаги Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси бошлиғига бўйсунини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш;
- ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимларининг шахсий жавоб- гарлигини кучайтириш ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз вазирлик ва идораларининг юқори органлари (Ҳайъат йиғилишлари)да ҳисобот бериш тизимини ҳуқуқий тартибга солиш;
- ички аудит ва молиявий назорат хизмати ходимлари иш самарадорли- гини баҳолашда – Скоринг тизимини жорий этиш. Бу тизим орқали ҳар бир ходимнинг фаолияти давомида ташкилотга келтирган манфаати (бюджет маблағларини иқтисод қилиш бўйича берган тавсиялари, давлат мулкани ноқонуний ўзлаштириш бўйича амалга оширган ишлари, солиқларнинг тўғри ҳисобланиши бўйича берган маслаҳатлари ва х.к.)га кўра балл бериш орқали баҳоланади ҳамда тўплаган балларига мутаносиб равишда қўшимча мукофотлар билан рағбатлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сонли «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ва давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.08.2021 йилдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300 сонли фармони
3. “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 06.07.2022 йил
4. 28.01.2022 йилдаги “2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони
5. 2023 йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарори 05.05.2021 йил
7. Padam S Ghising Проблемы и задачи внутреннего аудита в государственном секторе. 25.07.2020
8. Тўраев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент-2020



9. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. – Т.:ТМИ, 2021. –72 б.
10. А.В.Вершинина,Е.Р.Орлова Стратегия цифровизации и реальная Российская экономика ЭНСП № 4 (95) 2021
11. Л.В.Сикорская Пути повышения эффективности осуществления внутреннего финансового аудита Экономическая безопасность Том 4 • Номер 4 • Октябрь-декабрь 2021 ISSN 2658-7548
12. Ramazonov A.S. Accounting and Control of Extra-Budgetary Funds in Budgetary Organizations. Spanish Journal of Innovation and Integrity | ISSN 2792-8268 | Volume-25 | Dec -2023 pp-26-29
13. Казакова, Н. А. Аудит: учебник для среднего профессионального образования / Н. А. Казакова, Е. И. Ефремова ; под общей редакцией Н. А. Казаковой. Москва-2024

Интернет сайтлари

<https://lex.uz>

<https://imv.uz>

